



**Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг иқтисодиётдаги аҳамияти ҳамда
афзалликлари ва камчиликлари**

Имамова (Нуримова) Гавхар Нуритдиновна

Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия Академияси

“Тижорат банкларини бошқариш” йуналиши тингловчиси

Аннотация: Мақолада нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамиятига эътибор қаратилган. Бундан ташқари нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг афзалликлари ва камчиликларига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: нақд пулсиз ҳисоб- китоблар, банклар, пластик карта, тўлов тизими, электрон тижорат.

Бугунги кунда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлиб, унинг ривожини миллий иқтисодиётнинг барқарорлиги ҳамда маблағлар айланишининг тезлашишига олиб келади. Маълумки, янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида"ги Қонунининг 21-моддасида, Марказий банкка республикада ҳудудда нақд пулсиз тўловларнинг амалга оширилиши тартибини белгилаш ваколати юклатилган. Шунингдек, мазкур Қонуннинг қабул қилиниши тўловлар ва ҳисоб-китобларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўлиқ қайта кўриб чиқишни тақозо этди.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан баъзи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ҳамда замон талабларига мослаштириш юзасидан олиб борилган амалий ишлар доирасида "Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида"ги Низом янги таҳрирда



ишлаб чиқилган ҳолда Адлия вазирлигида 2020 йилнинг 13 апрелида 3229-сон билан давлат рўйхатига олинди.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқишда барча тижорат банклари ҳамда кенг жамоатчилик, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг таклиф ва мулоҳазалари ҳам ўрганиб чиқилди. Мазкур Низом "Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида"ги Қонуннинг 33-моддасида келтирилган тўлов ҳужжатлари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил этишга оид умумий ёндашувлар ва банкларда тўлов ҳужжатлари алмашинувини ташкил этиш, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг тўлов ҳужжатларидан фойдаланиб, нақд пулсиз ҳисоб-китобларини амалга ошириш тартибини белгилайди.

Иқтисодиётнинг тўлов тизимида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ва қамровини ошириш, шу жумладан, тўловларнинг замонавий электрон шакллариини жорий этиш ва тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш, шунингдек, банкдан ташқари айланишини қисқартириш лозим. Бунинг учун аҳолига муайян вақт давомида белгиланган лимит доирасида банк маблағларни ҳисобидан товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконини берувчи кредит карталарини муомалага киритиш; банк пластик карталари орқали ҳисоб рақамларга масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан ("СМС-банкнинг", Интернет-банкнинг", "Мобил-банкнинг") фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш; банк пластик карталар орқали жисмоний шахсларни депозит ҳисоб рақамларини бошқариш имкониятини яратиш; тўлов терминалларида фойдаланганлик учун ижара тўлови миқдорини икки мартага қисқартириш; пластик картадаги маблағларни бошқа картага ўтказиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун тарифларни камайтириш; валюта ва солиқ назоратини соддалаштиришни ўз ичига олган электрон тижоратни ривожлантиришни рағбатлантириш, пластик карталар бўйича ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тизимида олинмаган товар ва фойдаланилмаган хизмат учун тўловни



қайтаришнинг тартиб- таомилларни ва технологияларини жорий этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Айниқса, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар банкларнинг жами пул айланишининг 80-90%ини ташкил қилаётган бир шароитда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳисобини чуқурроқ ўрганиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш бўйича таклифлар бериш долзарб масала ҳисобланади.

Нақд пулсиз тўловлардан фойдаланишнинг афзалликлари ва камчиликларини кўриб чиқамиз.

Афзалликлари:

- пул ва қайтимларни ҳисоб китоб қилишга ҳожат йўқ;
- агар банк картаси йўқолса, пул ҳисобварақда қолади. Агар дарҳол картани блокировка қилсангиз, кейин уни қайта тиклаб, маблағларингизни ишлатишни давом эттиришингиз мумкин;
- барча амалиётларингизни назорат қилишингиз мумкин;
- коммунал тўловларни масофавий шаклда тўлашингиз мумкин (мобил иловалар ёрдамида);
- онлайн харидларни амалга оширишингиз мумкин;
- маблағларни картадан картага ўтказишингиз мумкин;
- кредитларни мобил илова орқали масофадан сўндириш;
- cash back (харид учун пулнинг бир қисмини бонус сифатида қайтарилиши) олиш;
- валютани жойида конвертация қилиш имконияти;
- мобил илова орқали контактсиз тўловлар.

Камчиликлари:



- Пул маблағларингизни нақдлаштириш ёки бир картадан бошқа картага маблағларни ўтказиш учун воситачилик ҳақи ундирилиши мумкин.
- Карта йўқолган бўлса, уни қайта тиклаш учун ҳақ тўлайсиз
- Банк карталаридан фойдаланишнинг энг катта камчилиги фирибгарликдир.

Тараққиёт сингари, фирибгарлик ҳам ривожланишда тўхтамайди. Уни янги шакллари пайдо бўлади. Ҳар хил молиявий пирамидалар пайдо бўлади, улар баъзан ўз фаолиятини жуда мураккаб тарзда яширади. Шундай қилиб, кўп йиллик тажрибага қарамай, кўплаб фуқаролар фирибгарларнинг хийла-найрангларига тушишда давом этмоқдалар.

Банк карталаридан фойдаланишда асосий эслатмалар куйидагилар:

1. Банк карталарингиз ҳақидаги маълумотларни рухсатсиз бегона шахсларга ошкор қилманг ҳамда смс орқали келган махсус кодларни ошкор қилманг;
2. Банк иловасидаги шахсий ҳисобингиз ва банк картангиз учун мураккаб парол ўрнатинг;
3. Карта йўқолган ёки ўғирланган тақдирда дарҳол банкка хабар беринг ва картани блокланг;
4. Агар сизга шубҳали телефон қўнғироғи тушган бўлса, сизга қўнғироқ қилган шахс тавсия қилган ҳаракатларни бажаришга шошилманг. Шубҳали қўнғироқларга жавоб бермаслик ёки суҳбатни иложи борида тезроқ тугатиш тавсия етилади;
5. Онлайн харидларни амалга оширишда сиз фақат ишончли сайтлар ва иловаларга ишонинг;

Ҳозирги даврда юқоридагилардан ташкари нақд пулсиз ҳисоб- китоблар иқтисодиётдаги бир қанча салбий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади. Масалан, мамлакат ҳудудларида назорат-касса машиналари ва ҳисоб-китоб



терминаларидан фойдаланмаслик, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидан нақд пул маблағлари тушиши даражасининг пастлиги натижасида даромадларнинг катта қисми банкдан ташқари муомалага чиқиб кетаётганлиги сабабли аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида носоғлом муҳитни вужудга келтиради, давлат бюджетига тушумларнинг камайиши кузатилади. Шунинг учун мамлакатимизда ҳам нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг такомиллашуви ва ривожланиши натижасида банкларда ҳисоб-китобларни ташкил этиш самарадорлигининг янада ошишига, операцион харажатларнинг камайишига ҳамда пул маблағлари айланишининг тезлашишига эришилади. Умуман олганда, ишлаб чиқилган Низомлар республикамызда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тартибини белгиловчи ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низоми. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 13 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3229)
2. CBU.UZ сайти.
3. CBU.FINLIT.UZ сайти.